Биография

Алиев Абдуғани Юсупович



Алиев Абдуғани Юсупович 1922 йилда Тошкентда туғилган. 1939 йилда ўрта мактабни тамомлаб, Тошкент Қишлоқ районига қарашли 31-мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 1940-43 йилларда у Тошкент Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида ўқийди. 1943-45 йилларда мактабда, 1945-48 йилларда эса Хоразм Давлат педагогика ииститутида ишлайди, бу ерда эски ўзбек тили, ўзбек тили тарихи ва ўзбек диалектологияси предметларидан дарс беради; маълум вақт ўзбек тили ва адабиёти кафедрасига мудирлик ҳам қилади.

Олим 1948 йилдан Наманган педагогика институтида дастлаб ўқитувчи, кейинроқ доцент вазифаларида ишлаган.

А.Ю.Алиев 1954 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти аспирантурасини сиртдан ўқиб тугатди. 1960 йилда эса Қирғизистон Фанлар академиясининг академиги К. К. Юдахин раҳбарлигида «Ўзбек тилининг Уйчи шеваси» деган мавзуда кандидатлик диссертацияси ҳимоя қилди.

А. Алиев матбуотда 40 га яқин мақола эълон қилган. Шулардан «Навоий ўзбек адабий тилининг асосчиси», «Хамса»нинг айрим тил хусусиятлари», «Ҳамза-сўз санъаткори» кабиларда А. Навоий билан Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг ўзбек тили тараққиётидаги роли кўрсатилган бўлса, «Умлаутли шеваларнинг баъзи морфологик хусусиятлари ҳақида», «Ўзбек тили Уйчи шевасининг баъзи лексик ва морфологик хусусиятлари ҳақида», «Уйчи шевасидаги айрим фонетик ҳодисалар» кабиларда «уйғурлаш»ган шеваларнинг асосий тил хусусиятлари атрофлича ўрганилган.

Асарлари:

1954 «Умлаутли шеваларнинг баъзи морфологик хусусиятлари ҳақида». йилда УзФА сессиясида қилинган доклад тезислари, Тошкент.

1957 Ўзбек тили Уйчи шевасининг баъзи лексик ва морфологик хусусиятлари ҳақида. «Уч зап. НГПИ», вип. 2, Наманган.
Уйчи шевасининг фонетик хусусиятлари. «Уч. зап. НГПИ», вмп. 3, Наманган.

1959 Уйчи шеваси лексикасидан материаллар. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 6-сон, Тошкент.

1960 Уйчи шевасидаги айрим фонетик ҳодисалар. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 5-сон, Тошкент.

1964 Наманган диалекти лексикасидан кузатишлар. «Уч. зап. НГПИ», V, Серия филологическая, Наманган.
Қилич шеваси ҳақида. «Уч. зап. НГПИ», V, Серия филологическая, Наманган.

1966 Наманган диалекти лексикасидан кузатишлар. «Ўзбек шевалари лексикаси, тўплам, Тошкент. 1954

Copyright © 2022
All Rights Reserved.